
“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бош директор ўринбосари
Б.Т. Салойдинов



«11» сентябрь 2024 й.

“Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этишнинг аҳамияти” мавзусида ўтказилган ўқув-семинари юзасидан мажлис
БАЁНИ

Тошкент ш. **2024 йил 11 сентябрь**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ ходимлари.

Маърузачи:

Юридик ва комплаенс-назорат бўлими бош юрисконсульти - монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун масъул шахс О.Э. Умурзаков.

Давра суҳбати ЎзРВБ маъмурий биносининг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтди.

О.Э. Умурзаков ўз маърузасида ЎзРВБнинг “Технологияларни ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш” шиори остида 2024 йилда ЎзРВБ фаолиятида стратегик аҳамиятга эга мақсад йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ ЎзРВБ ходимлари орасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусида ўқув-семинар ўтказиш вазифаси юклатилганлига тўхталиб ўтди.

Сўнгра, маърузачи қуйидагилар ҳақида слайд кўринишида тушунтиришлар берди:

- Комплаенс тушунчаси, монополияга қарши комплаенс тизими;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартда 114-сон "Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун моҳияти;
- Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестри;
- Монополияга қарши комплаенснинг асосий вазифалари;
- Монополияга қарши комплаенс тизим жорий этиладиган ташкилотлар;
- Монополияга қарши комплаенснинг асосий вазифалари;
- Рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

- Монополияга қарши курашиш органининг вазифалари.

Шундан сўнг, маърузачи Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳияти бўйича давра сухбати иштирокчиларига атрофлича тушунтириш берди.

О.Э. Умурзаковнинг маърузаси ЎзРВБ ходимлари томонидан катта қизиқиш билан тингланди ва тадбир сўнггида ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачидан атрофлича жавоб олишди. Давра сухбати якунида ходимлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар.

Баённаштирилди:

Масъул ходим **О.Э.Умурзаков**
11-09-2024 йил